

«Ҳазратни хотирлаб» кўрсатувининг Рамазон ойидаги махсус танловида ғолиб бўлган иштирокчилар аниқланди



19:18 / 18 апрель 880

Маълумки, фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳазратни хотирлаб» кўрсатуви доирасида ўтказилаётган «Энг яхши изоҳ соҳиби» танлови islom.uz порталининг ижтимоий тармоқларида мунтазам равишда тақдим этиб бориляпти.

Муборак Рамазон ойи шарофати билан танловнинг махсус **66-67-68-69** сонларига ёзилган изоҳлардан энг фаоллари ҳакамлар томонидан саралаб олиниб, ғолиб бўлган иштирокчиларга совғалар топширилди.

Ғолиблар:

1. Дилшода Мавлонова Алишер қизи
2. Бўрибоев Озодбек Раҳматуллоҳ ўғли
3. Муқаддас Абдуллаева Котибжон қизи
4. Абдурахмон Исманжанов Баҳром ўғли
5. Зайнаб Уралова Даврон қизи

6. Гулбаҳор Мажидова Шухратжон қизи
7. Азимжон Эшонхўжаев
8. Хонзодабону Махмудова Зоир қизи
9. Достон Султонов Равшанович
10. Солиҳабону Муҳаммадова Ғайрат қизи
11. Иброҳимхўжа Собирхўжаев Тоҳирхўжа ўғли

Азизлар, «**Ҳазратни хотирлаб**» кўрсатуви доирасида ўтказилаётган «**Энг яхши изоҳ соҳиби**» танлови давом этади. Кўрсатувнинг 70-сонидан бошлаб ҳар бир сонга ёзилган изоҳлардан фақат биттаси ғолибликка эришади. Иштирокчилар танлов шартлари билан тўлиқ танишиб, шартларга амал қилган ҳолда ўз фикр мулоҳазаларини изоҳларга билдиришлари лозим бўлади. Яна шуни эслатиб ўтамизки, изоҳлар шартлар ёзилган маълумот изоҳига жавоб тариқасида эмас, алоҳида изоҳ шаклида ёзилиши мақсадга мувофиқдир.

Танлов шартлари:

1. Кўрсатув ҳақида умумий фикрингиз.
2. Кўрсатувдаги энг ёққан хотира қайси бўлди?
3. Энг кўп манфаатли бўлган сон қайси бўлди?
4. Барча сонлардан олган 10 та хулосангиз.
5. Кўрсатув бўйича қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?
6. Ҳазрат билан боғлиқ сизнинг қандай хотирангиз бор?